







ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ДОИМ АРДОҚДА

ТОШКЕНТ Фотосуратлар уйда Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятининг 2007 йилдаги якунларига бағишланган йилги бўлиб ўтди. Унда рассомлар, санъатшунослар, бадий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Кўзиев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қадимдан шаклланган, жаҳоний шухрат қозонган нафис санъатлар мактабларининг ноёб аъёнларини асраб-авайлаш, ўрганиш, боийтиб бориш, миллий тасвирий санъатимизнинг нодир дурдоналаридан халқимизни баҳраманд этиш борасидаги эзгу ишлар узининг ёрқин самараларини бераётганини таъкидлади.

2007 йил мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеаларга, ранг-баранг тадбирларга бой бўлди. Жумладан, "Шарқ-Ғарб: Тошкент чоррахасида" биринчи актуал фото ва видео санъати фестивали, тўртинчи халқаро Тошкент замонавий санъат биеннаlesi, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати ҳафталиги, бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилган иккунлик лойиҳалар бунинг ёрқин далилидир.

Рассомларимиз хорижий давлатларда ўтказилган халқаро кўрик-танловлар, фестивал ва кўргазмаларда совринларни қўлга киритмоқда. Шу боис бадий санъатимизга бўлган эҳтиром ва қизиқиш хорижий давлатларда ҳам тобора ортмоқда.

Айни пайтда Россия, Жанубий Корея, Германия, Франция, Миср каби унлаб мамлакатларда ўзбек рассомлари, ҳайкалтарошлари, фотоусталарининг бадий ва фото кўргазмалари муваффақият билан намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА муҳбири.

МАМЛАКАТИМИЗ футбол жамоалари 2008 йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўқув-машғулот йиғинларида ўз аъзоларининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигини ошириш, таркибни кучли ва маҳоратли чарм тўп усталари билан тўлдиршига ҳаракат қилмоқда.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК - МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ!



Бошланчак мавсумда Ўзбекистон чемпионати ва кубогидан ташқари, халқаро микросда - Мустақил Давлатлар Хамдустлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионатлари кубоги ҳамда Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида иштирок этадиган амалдаги чемпион - "Пахтакор" (Тошкент) жамоаси футболчилари учун Бирлашган Араб Амирикларида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғини анча самарали бўлди.

Равашан Хайдаров шо-

гирдлари сўнгги иккита синов-назорат урчушуни кучли жамоаларга қарши ўтказди. Бирлашган Араб Амириклари чемпионати голиби - "Ал-Ваҳда"га қарши ўтган баҳсни тошкентликларнинг Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиш учун ташлаган дастлабки қадами сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, Осиё футбол конфедерациясининг мусобақага кўрға ташлаш тизимига кўра, пахтакорчилар гуруҳ беллашувларида асосан араб футболда вакиллари билан рақобатлашади. "Ал-Ваҳда"га қарши ўтказилган урчушув эса ҳамюртларимизга араб жамоалари кучини чама-лаб кўриш ва ўйин услуби билан яқиндан танишиш имконини берди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ТЕННИСЧИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

ҲИНДИСТОННИНГ Чандигарх шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) томонидан ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган халқаро теннис турнирида ўндан зиёд мамлакатдан келган спортчилар голиблик учун курашмоқда.

Ўғил болалар ўртасидаги турнирда иштирок этаётган ҳамюртимииз Роман Пифтор беллашувлари иккинчи босқичдан бошлади. Иқтидорли теннисчимиз мезонлар вакили Дигвижай

Сингха қарши ўтказилган баҳсни 6:2, 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ


ҲИНДИСТОНДА шахмат бўйича Осиё чемпионатида сўнгги - еттинчи тур урчушувлари ўтказилди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда шахматчиларимиз сўнгги баҳсни Ҳиндистоннинг иккинчи тарма жамоасига қарши ўтказди. Биринчи тахтада донна сурган гроемстейне-нис Темур Гросев. Нилотал Дасни мағлубиятга учратди. Мезонлар вакил-

ларидан Дипан Чакраварти эса халқаро тоифадаги спорт устаси Антон Филипповнинг устулигини тан оlishга мажбур бўлди. Саидали Йўлдошев ва Рохит Године, Марат Жумаев ва Арун Прасад ўртасидаги партияларда голиб аниқланмади.



Феруза Тўраева. СУРАТЛАРДА: чемпионатдан лавҳалар.



Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Биласизми?

Агар Куёшни баскетбол тўпи деб тасаввур қилсак, ер унинг олдида нўхатдек келади.

Ер Куёш атрофини бир йилда айланиб чиқади. Бу масофа 958 миллион километрге тенг.

Энг баланд сув ости тоғи Саюа ва Янги Зеландия ороллари ўртасида жойлашган. Унинг денгиз туби сатҳидан баландлиги 8690 метрди.

Дунёдаги энг совуқ денгиз Ок денгиз (-2) ҳисобланади.

Энг катта сайёра Юпитер бўлиб, унинг ичига қуёш системасидаги барча сайёраларни жойлаштириш мумкин.

Энг ўйр денгиз Исроилдаги Шўр денгизидир.

Греландия киргоқлари яқинидаги энг баланд айсберг (муз тоғ) 167,6 метрди. Кучли шамол чоғида айсберглар соатига 2,5 километр тезликда ҳаракатланади.

Чакаги бақувват суҳандон - Чилидаги Томе шаҳар радио бошловчиси кўпчилиги хайратга солди. Радио ташкил этилган кун муносабати билан микрофон олдига ўтирган бошловчи ролпа-роса 133 соату 7 дақиқа тинимсиз гапирди. Эндиликда Мигел Анхел Наворот энг узок эшитириш олиб борган суҳандон сифатида тан олинди.

Тошкент вилояти Давлат педагогика институти томонидан 2006 йил 24 июнда Абдурахмонов Дадабек Давлатович номига берилган В № 280968 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод туманидаги 154-ўрта мактаб томонидан Охунжонов Муҳаммад Махмуджонович номига берилган О'Р-2 № 0898275 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор туманидаги "ZYODSHON" хусусий фирмаси (ОКПО 18415150, ИНН 203880694) "ZYODSHON" МЧЖга айлантирилмоқда. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 175-51-15 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерьянний аттестат UZC № 013402, выданный в 1996 году средней школой № 178 Чиланзарского района г. Ташкента на имя Молотобор Лия Витальевна, СЧИТАЕТСЯ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Бизнинг масала билан рангли металлургия вази-рининг биринчи ўринбасари шахсан шуғулланганидан бўлди. У бизни кабинетдаги кузатётчи, Камчаткадаги раҳбарларнинг «терисига сонон тикман!» дейишгача борди. Хурсанд бўлиб, изимизга қайтдик. Келсак, ахвол янада оғирлашган. Тайгада бемалол ҳаракат қилмайди деган бўлиб қолдик. Омборга олтин олиб келаётган артельчиларимизга очикдан-очик ҳужум қилиб, ўн-ўн беш килоли соф олтинларимизни тортиб олиб кўя бошлашди. Улар босқинчилар, тайгада изгиб юрган номаълум жиноятчилар бўлмай, ўзимизнинг кунда тузимизга шерик бўлиб юрган милиция ходимлари эди. Кейин билсак, бизни Москвадан кўйимизни пуч ёнғоққа тўлдириб юборган вази-р муовини Камчатка раҳбарининг қудаси экан.

Бир кун артелимиз раҳбарияти билан ишдан кейин қолиб, идорада яқун ясаб ўтирганимизда, кимдир кўнғирок қилиб, район раҳбарининг олди-га зудлик билан етиб келишимни буюрди. Унинг кимлигини сурштириб ўтирмай, машинада ша-молдек олиб, Зуевкага етиб бордим. Ижрокўм раисининг хонасига кириб борсам, у «сендан бошқа ташвишим йўқми?» деб, ҳайдаб солди. Ташқарига чиққандагина, душманларимиз бизга қарши яна қандайдир найранг, иғво уюштираётганини тушундим. Машинада изимга қайтдим. Корхонамга ўн етти километр қолганда, милиция тўхтатди. Ҳеч нарса демай, машинада эста бошлади. Машинада эса, ҳали фақат менин-г ён дафтаримиздагина қайд қилинган, идорадаги жур-налда илова қилинмаган

(Охири. Боши ўтган сонларда).

тўққиз кило олтин бор эди. Бу одатий ҳолат. Чунки катта майдонда фаолият кўрсатаётган йигирмага яқин бригадалардан йиғилган олтинларни мен, ёки артелининг бошқа раҳбарларидан бирортаси машинасида олиб келиши қонунга хилоф иш эмас эди. Бироқ милиция ходимлари бунни жиноят деб, менинг депутатлик мандатимга қарамай,



қўлимга кишан солиб, район марказига ҳам олиб бормай, тўғри шаҳар милициясининг изоляторига қамашди. Кейин билсам, ўша машўм телефон кўнғирогидан кейин, мен район марказига физил-лаб кетганимда, идора-мизга кимлардир бости-риб кириб, ишлаб ўтир-ган ходимларимга ташла-нишган. Улардан омбор калитини тортиб олиб, ўша кун омборда йиғил-ган қирқ саккиз кило-грам олтинни олишган. Сўнгра сейфдан менин-г тўппончамни олиб қурол-сиз бўлган беш ходими-ми отиб ташлашган. Хо-димларимдан тўрттаси ўша ерда ўлган. Геолог Светлана Ворохова, нис-батан хавфсизроқ яралан-ган бўлиб, касалхонада ўзига келган. Шунда у, ярасини тикаётган нав-

батчи врачам ҳам, ёнида турган ҳамшира қизга ҳам уларни отган босқинчи-лар кимлигини билишни айтган. Шундан сўнг Светлана ҳам юрак фала-жидан «Кўсатдан ўлган». Ҳамшира қиз ҳам ном-ни-шонсиз йўқолган. Навбат-чи врач эса, Светлана-нинг оғзидан ҳеч нарса эшитмагандан, деб туриб олган. Мени жиноят ус-тида «кўрган»лар эса

либ қолди. Қадрли ҳамшаҳарим, рӯхсат этсангиз, сизга иккита илтимосимни айт-сам, - деди Семенов ово-зи титраб. - Бир: ҳозир Тошкентда, онамининг ёнида яшаётган Галани бориб кўринг-да, уларга сўнгги дақиқаларда Мак-сим билан бирга бўлдим, қанчалик оғир бўлмасин, Максим инсонлик фазил-латларини йўқотмади дег! Углим Виткани ўлиб кўйинг.

Сўнг Семенов бир пар-ча қозога алланарсалар-ни ёза бошлади, кўзидан эса ёш сизиб оқарди. - Бу онамининг адреси, Чилонзорда, - деб қозо-ни кафтимга кистирди. Мен қозонни киссамга солиб, унинг иккинчи ил-тимосини ёдига солдим. Ункаси тўлиб кетган Се-менов, энтикиб-энтикиб нафас оларди, гапириш-га холи қолмаган эди. - Иккинчи илтимосим, - деди у ниҳоят ўзини кўлга олиб, - мени отиш-гач, жасадимни қаерга кўмишларини аниқ билиб олинг!

Аъзам АЗИМИЙ.

Advertisement for KIA MOTORS featuring Optima, Carens, Sportage, and Cerato models with prices and contact information for the distributor in Tashkent.

Advertisement for 'TOШКЕНТИМНИНГ ҚИЗЛАРИ' featuring a cartoon illustration of a woman and text about a dating service or agency.

Footer information including contact details for 'TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ' newspaper, address, phone numbers, and circulation data.